



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Алимов Баҳром Фозилович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7491061>

ARTICLE INFO

Received: 18th December 2022

Accepted: 27th December 2022

Online: 28th December 2022

KEY WORDS

Профилактика инспектори,
фуқаролар, маҳалла,
хуқуқбузарлик,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси,
хуқуқбузарликлар
профилактикасининг чора-
тадбирлари.

Халқимизнинг муқаддас ва азалий, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, улуғ аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятининг асосий мезони ҳамда инсонийлик билан йўғрилган ўзбек халқи маънавиятининг ажралмас қисми бўлган ватанпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳақиқат, инсонпарварлик, кечиримлилик, раҳмдиллик, меҳр-шафқат, бағрикенглик, инсофу-диёнат каби хислатлари миллий урф-одатларимиз замирида мужассам бўлган. Инсонни улуғлаш, оила, ота-она ва фарзанд муқаддаслиги, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби қадриятларга асосланган.

Бу азал-азалдан шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, олис келажакда эмас, балки бугунги

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторининг хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқаролар билан ҳамкорлигининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, асосий йўналишлари, усул ва шакллари, ҳамкорликни ташкил этишдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

кунда, халқимиз айна вақтда яхши яшаши муносиб ҳаёт кечирishi ва барча имкониятлардан баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган халқпарвар тизимни йўлга қўйиш бўйича кенг қўл амли ислохатлар амалга оширилмоқда. Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётган ҳозирги шароитда “биз ўз фаолиятимизни буюк келажакимизни бугундан бошланади деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур”лиги қайта қайта таъкидланмоқда¹. Ўзбекистон

¹Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришимизнинг янада мустахкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган



Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш борасидаги кўрсатмалари асосида бугунги кунда секторлар миқёсида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” юритилиб, ижтимоий ҳисояга муҳтож оилалар ва фуқароларнинг муаммоларини наиклаш ва бартараф этиш борасида кенг кўламли чора-тадбирларни ўз ичига олган мутлақо янги тизим жорий этилди. Мазкур тизимга асосланиб ҳозирда республикада **“Маҳаллабай”**, **“Оилабай”** ва **“Фуқаробай”** ишлаш йўлга қўйилдики бу жараёнлар ички ишлар органлари, бевосита профилактика инспекторининг маҳалла, шу билан бирга фуқаролар билан ҳамкорлигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, жамиятда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий сабаби шахсдаги маънавиятнинг шаклланмаганлиги ёки жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бартараф этилмаганлиги натижасидир. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари маҳаллалар томонидан амалга оширилаётган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш учун тизимни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ҳар қандай жамиятнинг муҳим қисми ҳисобланган фуқаролар давлатнинг равнақи ва ривожланиши, унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда асосий ролни ўйнайди. Бу қадимдан ўз исботини топган ва бугунги кунда амал

тантанали маросимдаги маърузасидан //Халқ сўзи 2017.–№345

қилиниши лозим бўлган қоидага айланган.

Бундан ташқари жамият аъзолари қачонки қонун устуворлиги таъминланган давлатдагина рози бўлиб яшайди, шу билан бирга давлат органларига бўлган ишончи янада ортади, ўз навбатида улардаги Ватанпарварлик ва қонунларга итоат қилиш хусусиятлари шаклланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентди Шавкат Мирзиёев: “Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор”² - такидлаб ўтди.

Ислохотларнинг бугунги босқичида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам профилактика инспекторининг фуқаролар билан ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган алоҳида қоидалар белгилаб берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва

²Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.



жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармонида мувофиқ профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастурини амалиётга жорий этилиши яққол мисолдир.

Ушбу дастурнинг яратилиши профилактика инспектори билан фуқароларнинг яқинлигини таъминлаш билан бир қаторда, худудда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида амалга оширилаётган ишларнинг устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат³, - деб белгиланганлиги ҳам фуқароларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирокини таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, ҳар фуқаро ўзи яшаб турган жойда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга маъсул бўлиб, бу борада доимо фаол ва ташаббускор бўлиши, ҳеч бир салбий

ҳолатга бефарқ бўлмаслиги лозим. Бундай хусусиятларни шакллантиришда профилактика инспекторининг роли алоҳида ўринни эгаллайди. Хусусан, улар томонидан аҳоли ўртасида манзилли ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш, фуқароларни мунтазам огоҳликка чақириши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи худудга айланттириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ҳар бир фуқаро онгида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган туйғуни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга⁴.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда профилактика инспекторининг фуқаролар билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилувчи бир қанча омиллар мавжудки уларни бартараф этмай туриб керакли натижаларга эришиб бўлмайди. Буларга, *биринчидан*, фуқаролар ички ишлар органларига нисбатан ишончнинг камлиги; *иккинчидан*, профилактика инспектори ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашнинг аниқ механизми яратилмаганлиги; *учинчидан*, фуқароларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш,

³Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун.

⁴Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш - ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).



хуқуқбузарликлар профилактикаси иштирокининг камлиги ва бошқалар.

Шу боисдан, профилактика инспекторининг фуқаролар билан ҳамкорлигини механизмини яратиш, уларнинг ишончини қозониш, фуқароларнинг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаоллигини ошириш юзасидан зарурий тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, профилактика инспекторининг фуқаролар билан ҳамкорлиги кенг имкониятларга эгадир, шу боисдан улардан самарали фойдаланиш ва қуйидаги йўналишларда манзилли чоратадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади: - жиноят ва маъмурий хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, улар ҳақида ўзаро ахборотлар алмашиш; -маъмурий ҳудудда кенг қўламдаги назорат ишларини амалга ошириш, ўз навбатида “ўз уйингни ўзинг асра” деган сўзга амал қилган ҳолда фуқаролардан кўнгиллилари билан биргаликдаги ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

-маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

-маъмурий ҳудудда хуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш;

-маъмурий ҳудудда паспорт-виза ва назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

-фаолияти тақиқланган ташкилотлар, диний-экстремистик гуруҳлар ва шу

каби фаолиятга алоқадор бўлган шахсларни;

-маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фoш этиш чораларини кўриш;

-жиноят содир этиб суд ва тергов органларидан яшириниб юрган, бедарак йўқолган шахслар, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасида жазодан бўйин товлаб юрган маҳкумларни қидириб топиш, шахси ноаниқ мурдаларни шахсини аниқлаш;

-хуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш;

-фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш. Мухтасар қилиб айтганда, профилактика инспекторининг хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқаролар билан ҳамкорлиги, *биринчидан*, аниқ режалаштирилган бўлиши, *иккинчидан*, ихтиёрийлик асосида ташкил этилиши, *учинчидан*, фуқароларнинг фаоллигини ошириш бўйича чоралар кўрилиши, *тўртинчидан*, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали таъминланади⁵.

⁵Тошев Б. Нодавлат ноижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Хуқуқ–Право–Law. – 2002. – № 4. – Б. 54–56.